

Янги механизмга кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига ўз сайлов округларида овоз бериш босқичида ғолиб бўлмаган лойиҳалар орасидан ҳар мавсум биттадан лойиҳани кўшимча равишда ғолиб деб эълон қилиш ваколати берилди. Депутатлар ўз танловини “Очиқ бюджет” порталидаги шахсий саҳифалари орқали амалга оширади ва танланган лойиҳалар автоматик тарзда ғолиблар рўйхатига киритилади.

2026 йилдан бошлаб ҳар бир депутат учун йиллик 3,3 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, умумий ҳисобда 494 миллиард сўм маблағ режалаштирилган. Бу эса ҳудудлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда катта имконият яратади.



## Юзма-юз мулоқот



# “АДОЛАТ” ФРАКЦИЯСИ ХАЛҚ ХИЗМАТИДА:

депутатлар ҳудудларда аҳоли муаммоларини ўрганмоқда

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади — инсон қадрини улуғлаш, халқ дардини эшитиш ва одамларни рози қилишдан иборат. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзолари ҳам ҳудудларда бўлиб, аҳоли муурожаатларини ўрганиш, ижтимоий муаммоларни жойида таҳлил қилиш, давлат дастурлари ижросини назоратга олиш ҳамда қонуний, адолатли ечим топиш борасида фаол иш олиб бормоқда.

### МУАММОНИНГ КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

Фракция раҳбари **Робохон Махмудованин**г Фарғона вилоятидаги ўрганишларида асосий эътибор тизимли муаммоларга ечим топишга қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 13 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги топшириқлари ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилган мазкур ўрганишлар вилоят Халқ қабулхонасидаги юзма-юз мулоқотлардан бошланди.



## ДИҚҚАТ, янги рукн:

### БИЗНИНГ ШАРҲ

#### АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲИМОЯСИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

...21 ёшдан кейин биринчи марта никоҳ тузган ёш оилаларни давлат томонидан кўшимча қўллаб-қувватлаш, шунингдек, никоҳ шартномасини рағбатлантириш орқали оилавий муносабатларда ҳуқуқий маданиятни ошириш кўзда тутилган.

...Фемицид — аёл кишини айнан унинг жинси сабабли қасддан ўлдириш ҳолатини англатади. Сталкинг — бир шахсни доимий равишда таъқиб қилиш, унинг тинч ҳаётига хавф солиш демакдир.

Киберзўравонлик эса интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ҳақорат қилиш, таҳдид қилиш ёки психологик босим ўтказишни билдиради. Онлайн груминг эса интернет орқали вояга етмаган шахснинг ишончини қозониб, уни жинсий эксплуатация қилишга уриниш ҳолатидир.

Фармонда ана шундай замонавий таҳдидларга қарши қонунчиликда аниқ жавобгарлик механизмларини жорий этиш вазифаси кўйилган.

...Ҳимоя ордери берилган аёлларнинг телефонларига махсус SOS сигнал тизими ўрнатилади. Бу функция орқали зўравонлик хавфи юзага келган пайтда ижтимоий хизматлар ва тегишли идораларга зудлик билан сигнал юбориш мумкин бўлади.

Президентимиз 2026 йил 3 мартда “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича кўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармонни имзолади.



ФАРМОННИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ, “АДОЛАТ” СДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОСИ ШУҲРАТ ЯҚУБОВ БИЛАН СУҲБАТ

**КЕЛГУСИ СОНДА КУТИНГИ!**



## МУАММОГА ТЎЛАҚОНЛИ ЕЧИМ БЎЛА ОЛАДИМИ?

Хўш, бу борада жамоатчилик фаоллари, ота-оналар, ўқитувчилар ҳамда ёшлар қандай фикр ва таклифларни илгари сурмоқда? Дастлаб шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий тармоқларда болалар дуч келадиган хавф-хатарлар ўта жиддий. Бир қатор ахборот манбалари ўсмирлар қўрқитиш, ҳақорат қилиш, камситиш, ҳатто ўз жонига қасд қилиш, порнографиягача қалтис ва жиддий муаммолар билан тўқнаш келиши мумкинлигини таъкидламоқда.



ТЛАҲЛОВ ОҚУБАТТИ ҚИСМАТТИ ДУР



Фильми томоша қилгач, беихтиёр шундай хулосага келасиз: баъзан энг катта ҳалокатлар гувоҳсиз содир бўлади. Улар ҳақида газеталар ёзмайди, расмий баёнотлар берилмайди, бир сўз билан айтганда, “қора кути”лар очилмайди. Чунки бундай ҳалокат инсоннинг ичида, қалбида, хотирасида юз беради. Хайриддин Султонов ана шу кўзга кўринмас фожиани адабиёт тилида жуда таъсирчан тасвирлаган. Энди бу дарднинг экран тилида ҳам гўзал бир тарзда ифодаланиши, шубҳасиз, миллий кинематографиямиз учун муҳим ютуқдир. “Осмони фалакларда: Авиaparвознинг ягона қурбони” фильми адабиёт ва кино ўртасидаги унумли ҳамкорликнинг ёрқин намунаси бўлибди.



# “АДОЛАТ” ФРАКЦИЯСИ

## депутатлар ҳудудларда аҳоли муаммоларини ўрганмоқда

Қабул давомида ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири ва эртанги кунга бўлган ишонч тургани алоҳида эътиборга олинди. Фарғона шаҳрида яшовчи М.Махмудовнинг «бола пули» ажратиш билан боғлиқ масаласи жойида ижобий ҳал этилди. Фуқаро У.Сиражовнинг ипотека уйига рўйхатга қўйиш ва бошланғич туловни қоплаш масаласи бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилиб, муаммонинг қонуний ечими юзасидан аниқ чоралар белгиланди.

Ижтимоий соҳа ва коммунал хизмат кўрсатишдаги камчиликлар ҳам четда қолмади. Қувалик О.Мирзаевнинг «Турк» маҳалласидаги ичимлик суви тармоғи билан боғлиқ мурожаати соҳадаги айрим масъулларнинг эътиборсизлигини очиб берди. Давлат дастури доирасида маблағ ажратилиб, ишлар бошланган бўлса-да, 43 та хонадон ҳануз ичимлик сувисиз қолаётгани фракция аъзоларининг қатъий эътирозига сабаб бўлди. Мазкур ҳолатни қисқа фурсатда бартараф этиш бўйича тегишли ташкилотларга аниқ тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Иқтисодий адолат масаласи Қувасой шаҳрида яқол намоен бўлди. Қувасойлик Т.Бақиев ва унинг ҳамкасблари «Қувасой цемент» АЖдан 6 йилдан буён 8 миллиард сўмга яқин дивидендларини ололмади келаятган эди. Ушбу мураккаб масала фракция раҳбари томонидан алоҳида назоратга олиниб, суд қарорлари ижросини таъминлаш чоралари муҳокама қилинди ва керакли чора-тадбирлар белгиланди.

Халқ билан мулоқотларда ёшлар ва хотин-қизлар бандлиги масаласига ҳам алоҳида ургу берилди. Тошлоқлик З.Собированинг фарзандларини ишга жойлаштириш бўйича мурожаати юзасидан мавсумий даромад келтирувчи соҳалар ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш бўйича зарур тавсиялар берилиб, ижроси назоратга олинди.

– Ҳар бир ечимини топаган мурожаат – бу инсон манфаати ва халқимизнинг давлатга бўлган ишончи ифодасидир. Биз учун кичик муаммо йўқ. Хоҳ у ичимлик суви бўлсин, хоҳ йирик иқтисодий низо – барчасининг марказида инсон қаёри туради, – деди фракция раҳбари Робохон Махмудова.

### ФАРҒОНА ЁШЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ: ИЛМ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси раҳбари Робохон Махмудованинг Фарғона вилоятидаги ўрганишлари доирасида ёшлар билан ўтказилган учрашувлар янги ташаббусларга йўл очди. Юртимизда ёшларнинг сифатли таълим олиши ва замонавий касб-хунар эгаллаши давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Вилоятдаги ўрганишлар давомида «Ёшлар кўни» муносабати билан Фарғона юридик техникуми ҳамда Фарғона давлат университети талабалари иштирокида ташкил этилган очик мулоқот ҳам айнан шу мақсадга қаратилди.

Даставвал фракция раҳбари техникумда ёшлар учун яратилган шaroитлар билан танишди. 2007 йилда ташкил этилган мазкур билим маскани бугун ҳудуддаги энг нуфузли муассасалардан бири саналади. Ҳозирда бу ерда 370 нафар ўқувчи давлат-ҳуқуқий фаолият, юридик хизмат ҳамда суд-ҳуқуқий фаолият йўналишлари бўйича «Устоз-шогирд» аънавалари асосида сабоқ олмақда.

Мулоқотда асосий эътибор таълим ва ишлаб чиқариш уйғунлигига қаратилди. Техникумда муваффақиятли



жорий этилган дуал таълим шакли талабаларнинг ҳақиқий мутахассис бўлиб етишишида муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, 2025 йилдан бошлаб «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи», «Фарғонаазот» АЖ ва «Фарғона ИЭМ» каби йирик корхоналар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ёш ҳуқуқшуносларнинг меҳнат бозорида ўз ўрнини топишини таъминламоқда. Шунингдек, халқаро алоқалар доирасида Россиянинг етакчи таълим муассасалари ва «Газпром нефть – Тюмень» АЖ билан имзоланган келишувлар таълим сифатини янги босқичга олиб чиқди.

Қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида битирувчиларнинг бандлиги йилдан-йилга ошириб бормоқда. Рақамлар ҳам ижобий динамикани тасдиқламоқда: сўнгги уч йилда техникум битирувчиларининг бандлиги сезиларли даражада ошган. 2023 йилда 20 нафар, 2024 йилда 15 нафар ва 2025 йилда эса 30 нафар ёш мутахассис бевосита Адлия бошқармаси ва вилоят судлари тизимига ишга қабул қилинган. Иқтидорли талабалар учун эса Тошкент давлат юридик университетига 2-курсдан ўқишга қабул қилиниш имконияти яратилгани ёшлар учун катта мотивация манбаидир.

Учрашувда техникум талабаси Дилафрузхон Собированинг Гарвард университетида 100 фоизлик грант асосида ўқишга киргани алоҳида эътироф этилди. Тадбир якунида миллий қонунчиликдаги янгиликлар ва ёшлар учун яратилаётган имтиёзлар юзасидан фикр алмашилди.

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ ЎРГАНИЛДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Рашидова Нукус шаҳридаги «Исбилерменлер аймағи» маҳалласида аҳоли билан учрашув ўтказди. Тадбир доирасида «Ижтимоий ҳимоя дафтари»га киририлган, кўмакка муҳтож оилалар ҳолидан хабар олинди. Жумладан, фуқаро Сергалий Утевов хонадонида бўлиб, оиланинг яшаш шароити билан яқиндан танишилди.

Учрашув давомида фуқаро С.Утевов ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкасига бўлган ҳуқуқий эътироф этишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Мурожаат юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, тегишли қонун нормалари мазмун-моҳияти атрафлича тушунтирилди. Қўрилган муаммо депутат назоратига олинди.

### ОЛТИ ЙИЛЛИК НИЗОГА ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ БЕЛГИЛАНДИ

Яшнободдаги икки тадбиркор ўртасидаги мулкый низо 2020 йилдан буён ечимлаб келган. Кўпгаб мурожаатларга қарамай натижа бўлмаган.



Тадбиркор Бобур Абдужалилов жорий йилнинг 18 мартида Қонунчилик палатасидаги фракциялари раҳбарлари номига мурожаат юбориб, «Ўрта Масжид» МФЙ ҳудудидаги «Гумбаз» қурилиш материаллари савдо мажмуасидаги низо баён қилган эди.

Масалани жойида ўрганиш учун «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Гулрух Агзамова, Тошкент шаҳар кенгаши депутати Севара Файзиёва ҳамда Яшнобод туман кенгаши депутатлари Иброҳим Расулов ва Алишер Керимовлар ҳудудга бўлдилар. Ўрганиш давомида тадбиркор ушбу масала юзасидан тегишли идораларга бир неча марта мурожаат қилгани, аммо муаммо ҳал этилмагани аниқланди. Депутатлар масаланинг долзарблигини инобатга олиб, барча тарафлар иштирокида жамоатчилик эшитиш ўтказишни таклиф қилди. Эшитишни белгиланган муддатда ташкил этиш вазифаси Яшнобод тумани ҳокимлиги зиммасига юклатилди. Масала депутатлар назоратида қолмоқда.

### ТОШКЕНТ ТУМАНИДА ИСПОХОТЛАР ИЖРОСИ ЎРГАНИЛДИ

Тошкент вилояти Тошкент туманида Қонунчилик палатаси депутати Наримон Умаров ва Дилрабо Халбаева иштирокида 2026 йилга мўлжалланган Давлат дастури ҳамда «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг мазмун-моҳиятига бағишланган учрашувлар ўтказилди.

Депутатлар туманининг «Беруний», «Дийдор», «Хиёбон», «Кўксарой» ва «Баҳор» маҳаллаларида бўлиб, фуқаро



ролар ва масъуллар билан очик мулоқотлар ўтказдилар. Аҳолини қийнаб келаятган муаммолар, тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган омиллар ва «маҳалла етилиги» фаолияти атрафлича ўрганилди.

«Ташаббусли бюджет» жараёнининг жорий йил биринчи мавсуми якунлари юзасидан батафсил маълумот берилди. Ҳали бўлмаган, аммо аҳоли учун муҳим лойиҳаларни чуқур таҳлил қилиш ва амалга ошириш имкониятларини кўриб чиқиш долзарб вазифа сифатида қайд этилди. Маълумотларга кўра, жорий йилда 21 мингдан ортиқ лойиҳа илгари сурилиб, 10 миллиондан зиёд фуқаро томонидан қўлаб-қувватланган ва 1996 та лойиҳа ғолиб деб топилган. Ҳали бўлмаган эриша олмаган, аммо аҳамиятли лойиҳаларни амалга оширишнинг қўшимча манбаларини излаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири экани алоҳида таъкидланди.



### ЯНГИХАЁТДА ИЖТимоий ОБЪЕКТЛАР АҲВОЛИ КўНГИЛДАГИДЕКМИ?

Тошкент шаҳридаги 459-сонли мактабга таълим ташкилоти ташаббусли бюджет танловида ғолиб бўла олмаганди. Аммо канализация ва иситиш тизимининг авария ҳолати кутиб турмайди. «Адолат» СДП фракцияси депутatlари Ойдин Абдуллаева ва Елена Борисова масалани ўз назоратига олдилар.

Депутатлар лойиҳанинг долзарблигини баҳолаб, уни давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш имкониятларини кўриб чиқдилар. Янгиҳаёт тумани ҳокими билан ўтказилган учрашув яку

нида канализация ва иситиш тизимини таъмирлаш учун зарур маблағ ажратиш тўғрисида келишиб олинди.

### ЧОРТОҚДА ИЖТимоий СОҲА МАСЪУЛЛАР ЭЪТИБОРИДАН ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шухрат Якубов Наманган вилояти Чортоқ туманида сайёр ўрганиш олиб борди. Депутат дастлаб «Опен бюджет» лойиҳасида ғолиб бўлмаган, аммо аҳоли учун долзарб бўлган лойиҳаларни кўздан кечирди.

Алихон қишлоғидаги 3-сонли ва Бўлон қишлоғидаги 20-сонли мактабга таълим ташкилотларидаги ўрганишлар бир қатор камчиликларни юзга чиқарди: айрим бочкаларда хожатхоналар таъмирга муҳтож, болалар овқатланиш учун мослаштирилган алоҳида хона мавжуд эмас. «Пешкўргон» ҚФЙ ҳудудида ички йўлларнинг ҳолати қониқарсиз – кўчаларни босқичма-босқич асфальтлаш зарурлиги қайд этилди.

7-сонли қишлоқ оилавий поликлиникасидаги вазият алоҳида эътиборни тортди: тиббиёт муассасасида УЗД аппарати мавжуд бўлса-да, ушбу ускунада ишлай оладиган мутахассис шифокор йўқ. Масъул идораларга малакали кадр ажратиш юзасидан расмий сўров йўлланиси белгиланди. Депутат Шухрат Якубов айрим масалаларни парламент даражасида кўтаришини маълум қилди.

### ДАВЛАТОБОДА НИМА МУАММО БОР?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилмурод Исмоилов Наманган вилояти Давлатобод туманида сайёр ўрганиш олиб борди.



### ЯНГИХАЁТДА ИЖТимоий ОБЪЕКТЛАР АҲВОЛИ КўНГИЛДАГИДЕКМИ?

Тошкент шаҳридаги 459-сонли мактабга таълим ташкилоти ташаббусли бюджет танловида ғолиб бўла олмаганди. Аммо канализация ва иситиш тизимининг авария ҳолати кутиб турмайди. «Адолат» СДП фракцияси депутatlари Ойдин Абдуллаева ва Елена Борисова масалани ўз назоратига олдилар.

Депутатлар лойиҳанинг долзарблигини баҳолаб, уни давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш имкониятларини кўриб чиқдилар. Янгиҳаёт тумани ҳокими билан ўтказилган учрашув яку

Депутат «Орзу» маҳалласида Орзу кўчасидаги катта йўл ёқасида сув тўпланиши натижасида асфальт қопламаси емирилгани, жамоат транспорти учун бекат ўрнатилмаганини аниқлади. Янги Бог кўчасини асфальтлаш «Опен бюджет» дастури орқали ғолиб деб топилган бўлса-да, ишлар ҳанузгача бошланмаган.

«Давлатобод» маҳалласида маиший иситиш тизими учун дастгоҳ олиб келинган бўлса-да, қувурлар тўлиқ уланмасдан ташлаб қўйилган. Маҳаллада ижара уйда яшайтган Мавлудхон Нуриддинова ногиронлиги сабабли доимий уй-жой билан таъминлаш ва даволанишга кўмак бериши сўради. «Епиҳон» МФЙда 3100 нафар аҳоли истиқомат қилса-да, бо-



# ХАЛҚ ХИЗМАТИДА:

12 лалар учун ўйин майдончаси мавжуд эмас. 51-мактабга таълим ташкилоти ва 91-мактабда ўқув дарсликлари етишмовчилиги қайд этилди, мактабнинг иситиш тармоғида филтёр ўрнатилмагани аҳоли шикоятига сабаб бўлмоқда. Аниқланган барча муаммолар бўйича масъул идоралар иштирокида аниқ вазифалар белгиланди, ижроси назоратга олинди.

## ОЛТИНҚУЛДА ИЧИМЛИК СУВИ МАСАЛАСИ ДОЛЗАРБЛИГИГА ҚОЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Адхамжонова Олтинқул туманида бўлиб, сайловчилар билан учрашди. «Катта Оқтепа» МФИда бўлиб ўтган мулоқотда аҳолини йиллар давомида қийнаб келатган ичимлик суви муаммоси кўтарилди. Маҳалла аҳли сувни узоқ масофадан ташиб ичишга мажбур, мавжуд артезиан қудуғи эса истеъмол учун яроқсиз.

— Муаммога ечим излаб «Опен бюджет» лойиҳасида ҳам қатнашдик, бироқ етарли овоз тўплай олмадик. Ичимлик суви — бирламчи зарурат. Бу масалада депутатнинг кўмағига умид қиламиз, — дейди фуқаро Гулчехра Мўйдинова.

Ўрганишлар давомида Мустақиллик, Боғдод, Янги ҳаёт ва Бойчечак кўчаларида ҳам сув таъминотида жиддий зулиқлар мавжудлиги, янги сув қудуғи барпо этиш зарурлиги аниқланди. Депутат мазкур муаммоларни бартараф этиш юзасидан мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юбориши ва ижросини қатъий назоратга олишини таъкидлади.

## НАВБАҲОРДА ҒОЛИБ БЎЛМАГАН ЛОЙИҲАЛАР ҲАМ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Беҳзод Тўхтамуродов Навбаҳор туманида бўлиб, «Ташаббусли бюджет» доира-сидаги лойиҳалар ҳолатини ўрганди. Депутат овоз бериш жараёнида ғолиб бўлмаган, аммо аҳоли учун ўта муҳим объектларни кўздан кечирди. 31-сонли умумтаълим мактаби, «Наврўз» оилавий шифокорлик пункти, 2-сонли спорт мактаби ҳамда «Пахтакор» МФИ худудидagi ички йўлларнинг бунгуни ҳолати диққат марказида бўлди.



9-сонли намунали давлат мактабга таълим ташкилотиди 150 нафар тарбияланувчига мўлжалланган 6 та гуруҳда болажонлар учун яратилган шароитлар ва таълим-тарбия жараёнининг сифати бевосита ўрганилди. Янги маҳалла биноси ҳам кўздан кечирилиб, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ва «маҳалла еттичилиги» фаолиятига эътибор қаратилди.

## ЖАЛАҚУДУҚ ВА БУЛОҚБОШИДА ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулнораҳон Абдувоҳидова Андижон вилоятида ўрганиш олиб борди. Депутат Жалақудуқ туманидаги «Қашқар» ва «Қутлуг» маҳаллаларида «еттилик» вакиллари билан мулоқот ўтказиб, аҳоли хонадонларида бўлди. Фуқаролар ички кўчалар ва йўлларнинг ҳолатини ахши-лаш бўйича амалий ёрдам сўраб мурожаат қилдилар.

Булоқбоши туманида эса депутат «Қумгузар», «Нефтчилар» ва «Истиклол» маҳаллаларида бўлиб, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни муҳокама қилди. Туман ҳокими Фурқатбек Бўтахонов билан биргаликда уй-жой субсидиясини олиш истағидаги фуқароларнинг мурожаатлари жойида ўрганилди.



лан биргаликда уй-жой субсидиясини олиш истағидаги фуқароларнинг мурожаатлари жойида ўрганилди.

## КОГОНДА МАҲАЛЛАЛАР МУАММОСИ ДЕПУТАТ ЭЪТИБОРИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мақсуд Курбонбоев Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида бўлиб, «Адолат», «Бунёдкор» ва «Амир Темури» маҳаллаларидаги мавжуд ҳолатни атрафлича таҳлил қилди.

«Адолат» маҳалласида 4,5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган худудда ички йўллар таъмирталаб экани, ичимлик суви ва электр таъминотида зулиқлар кузатилаётгани, канализация тизимининг носозлиги санитария ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётгани аниқланди.

«Бунёдкор» маҳалласининг «Гул-обод» кўчасидаги кўп қаватли уй аҳолиси билан учрашувда 300 метрлик йўл асфальтланмагани, ташқи ёритиш тизимидаги камчиликлар ва чикиндиларни ташишдаги муаммолар муҳокама қилинди. Депутат шаҳар ҳокими Миршакер Тўрабоев билан мулоқот ўтказиб, муаммоларни қисқа муддатда ҳал этиш зарурлигини таъкидлади.

«Амир Темури» маҳалласида эса 18 та тадбиркорлик субъекти бўлишига қарамай, ёшлар ва хотин-қизлар ўр-тасида ишсизлик масаласи сақланиб қолмоқда. Маҳалла биносининг эскиргани фуқароларни қабул қилишда нуқул-лайлик туғдиришда. Янги бино қуриш масаласи депутат томонидан тегишли ташкилотлар олдида қўйилди.

## «Адолат» СДП Матбуот хизмати

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, «Адолат» СДП фракцияси аъзоларининг худудлардаги фаолияти муҳим бир ҳақиқатни тасдиқламоқда: халқ билан мулоқот йўлга қўйилган жойда ҳеч бир муаммо эътибордан четда қолмайди, масала очиқ айтилган жойда эса ечим узоқ куттирмайди. Бугун Фарғонадан Қорақалпоғистонгача, Намангану Андижондан Бухоро ва Тошкентга қадар — фракция аъзолари ҳар бир худудда аҳолини қийнаётган масалаларни бевосита ўрганиб, уларга амалий ечим топиш бўйича тизимли ишларни давом эттир-моқдалар. «Ташаббусли бюджет» лойиҳаларидан тортиб, ижтимоий соҳа ва тадбиркорлик муаммоларигача — ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганини ҳис этиш фрак-ция фаолиятининг бош мезонидир. Зеро, ислохотлар самараси рақамларда эмас, одамлар ҳаётидаги реал ва ижобий ўзгаришларда намоён бўлади.

- 222 минг 266 сўм;
- асосий воситалар бўйича харажатлар (партияга оид) — 217 млн. 940 минг 900 сўм;
- товар-моддий захираларига харажатлар (партияга оид) — 122 млн. 143 минг 213 сўм;
- коммунал хизматларига харажатлар — 180 млн. 289 минг 799 сўм;
- телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматлари — 163 млн. 428 минг 479 сўм;
- ёнилғи ва ЁММ харажатлар — 267 млн. 174 минг 698 сўм;
- ижара харажатлари — 899 млн. 629 минг 349 сўм;
- сақлаб туриш ва жорий таъмирлашга харажатлар (компьютер, мебель, автоулов ва бошқа техника таъмири) — 260 млн. 472 минг 740 сўм;
- сайловларда иштирок этиш учун — 8 млн. 240 минг 300 сўм;
- сайловларда иштирок этиш учун ажратилган маблағлардан давлат бюджетига қайтарилгани — 1 млн. 621 минг 400 сўм;
- бошқа харажатлар (обуна, техник кўриқдан ўтказиш, сугурта, банк хизматлари ва бошқа харажатлар) — 193 млн. 675 минг 140 сўм.

## Қарор ва ижро



Ўзбекистонда сўнгги йилларда давлат бошқарувида очиқлик, шаффофлик ва жамоатчилик иштирокини кенгайтиришга қаратилган ислохотлар изчил давом этмоқда.

Мақсудбек ҚУРБОНБОВ,  
Бюджет ва иқтисодий масалалар  
қўмитаси раиси ўринбосари,  
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси

# “ДЕПУТАТЛАР ТАШАББУСИ” — ХАЛҚ ОВОЗИГА ҚЎШИМЧА ИМКОНИАТ ВА АДОЛАТЛИ ҚАРОРЛАР КАФОЛАТИ

Эндиликда фуқаролар нафақат кузатувчи, балки бюджет тақсироти жараёнининг бевосита иштирокчисига айланмоқда. «Очиқ бюджет» портали орқали аҳоли томонидан илгари сурилган лойиҳалар очиқ овоз бериш орқали сараланади. Энг кўп овоз тўплаган лойиҳалар ғолиб деб топилиб, молиялаштирилади. Бу жараёнда адолат, тенглик ва ошкоралик устувор таъминоти сифатида хизмат қилмоқда.

Айниқса, ғолибларни аниқлашнинг рақамлаштирилган тизими инсон омиллини кескин камайитириб, қарор қабул қилиш жараёнини ҳолис ва шаффоф тарзда амалга ошириш имконини бермоқда. Бу эса коррупциянинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҳолатларда жуда муҳим ва долзарб лойиҳалар етарли овоз тўплай олмагани сабабли бўлма-ликка эриша олмапти. Ана шу эҳтиётдан келиб чиқиб, янги механизм — «Депутатлар ташаббуси» жорий этилди.

Мазкур тизим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 29 августдаги ПҚ-264-сон қарори ҳамда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2025 йил 17 декабрдаги ҚҚ-280-V-сонли қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда. Унинг асосий мақсади — ташаббусли бюджет жараёнини янада такомиллаштириш, халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишдан иборат.

Янги механизмга кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига ўз сайлов округларида овоз бериш босқичида ғолиб бўлмаган лойиҳалар орасидан ҳар мавсум биттадан лойиҳани қўшимча равишда ғолиб деб эълон қилиш ваколати берилди. Депутатлар ўз танловини «Очиқ бюджет» порталидаги шахсий саҳифалари орқали амалга оширади ва танланган лойиҳалар автоматик тарзда ғолиблар рўйхатида киритилади.

Мазкур лойиҳалар республика бюджетидан молиялаштирилиб, маблағлар тегишли туман ва шаҳар жамғармаларига йўналтирилади. Шунингдек, порталда депутатлар ташаббуси асосида амалга оширилмаган лойиҳалар учун алоҳида саҳифа ташкил этилиб, барча маълумотлар жамоатчилик учун очиқ эълон қилинади.

2026 йилдан бошлаб ҳар бир депутат учун йиллик 3,3 миллиард сўм миқдоридида маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, умумий ҳисобда 494 миллиард сўм маблағ режалаштирилган. Бу эса худудлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда катта имконият яратади.

Шу билан бирга, янги тартибда қатор муҳим чеклов ва талаблар ҳам жорий этилган. Жумладан, лойиҳалар ғолиб деб топилиши учун минимал овозлар сони 50 та этиб белгиланди (аввал 10 та эди). Жиҳозлаш лойиҳалари учун энг юқори қиймат эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 минг баробари этиб белгиланди.

Депутатлар томонидан лойиҳаларни танлашда бир қатор мезонлар инобатга олинади: лойиҳа тегишли сайлов округида жойлашган бўлиши, овоз бериш босқичидан ўтган ва белгиланган минимал овозни тўплаган бўлиши, ҳамда шериклик асосида амалга оширилаётган лойиҳаларга тегишли бўлма-слиги лозим.

Бундан ташқари, бир маҳалладан кетма-кет икки мавсумда депутат ташаббуси сифатида лойиҳа танлаб олинишига йўл қўйилмайди. Агар депутат белгиланган муддатда лойиҳани танламаса, у ўз ваколатидан фойдаланмаган деб ҳисобланади ва кейинги мавсумларда бу ҳуқуқ сақланиб қолмайди.

Ташаббусли бюджет жараёни ҳам аниқ муддатлар асосида амалга оширилади: лойиҳаларни киритиш ва саралаш — 20 кун, тарғибот — 7 кун, овоз бериш — 10 кун. Ғолибларни аниқлаш эса 1 кун ичида амалга оширилиб, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан 10 кун давомида тасдиқланади.

Амалиётдан мисол келтирадиган бўлсак, жорий йилнинг март ойида ўз сайлов округларимиздаги фаолиятимиз давомида мазкур йўналишга алоҳида эътибор қаратдик. Шу билан бирга, овоз бериш натижасида ғолиб бўлмаган қолган лойиҳаларни жойига чиқиб, атрафлича ўргандик.

Жумладан, Янгиаҳлик туманидаги қатор лойиҳалар таҳлил қилинди. Ўрганишлар натижасида туманининг «Чақир» маҳалласида жойлашган «Оқ маъит» канали устидаги кўприкни таъмирлаш лойиҳаси атиги 79 та овоз тўплагани аниқланди. Бироқ ушбу кўприк кўп йиллардан буён аҳолига хизмат қилиб келатгани, айна пайта унинг ҳолати анча ёмонлашгани инобатга олинди.

Шу муносабат билан депутат ташаббуси асосида мазкур лойиҳа қўшимча равишда ғолиб деб топилиб, кўприкни таъмирлаш ишлари учун 1 миллиард 648 миллион сўм маблағ ажратилиши белгиланди.

Қолаверса, бугунги кунда «Очиқ бюджет» орқали мактаблар таъмирланмоқда, йўллар қурилмоқда, ичимлик суви ва электр таъминоти яхшиланмоқда. Бу эса тизимнинг амалдаги самардорлигини яққол намоён этмоқда.

Албатта, бу йўналишда ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Хусусан, аҳоли учун муҳим, аммо овозлар етишмаган лойиҳаларни қўлаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, «Очиқ бюджет» ва «Депутатлар ташаббуси» — бу оддий ислохот эмас. Бу — халқ иродаси акс этадиган, адолатли қарорлар қабул қилинадиган ва жамият ишончини мустаҳкамлайдиган замонавий демократик механизмдир.



## Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг 2025 йилги Устав фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағларининг харажатлари тўғрисида

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 2025 йил бошига маблағлар қолдиги 1 млрд. 864 млн. 977 минг 802 сўм бўлиб, 2025 йил давомида партиянинг ҳисоб рақамларига жами 34 млрд. 177 млн. 669 минг 417 сўм маблағ кеалиб тушди.

Шундан, 32 млрд. 209 млн. 244 минг сўми партия Устав фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган бюджет маблағлари, 9 млн. 861 минг 700 сўми халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида бўшаб қолган депутатлик ўринларига ўтказилган қайта сайловларда иштирок этиш учун ажратилган маблағлар, партия аъзолари маъмуриятдан 1 млрд. 896 млн. 028 минг 697 сўм, хомийлик, хайрия тушумларидан 54 млн. 265 минг сўм ҳамда бошқа тушумлар 8 млн. 270 минг 020 сўми ташкил қилди.

2025 йилда жами 34 млрд. 037 млн. 185 минг 863 сўм маблағ харажат қилинди. Шундан қуйидаги йўналишлар бўйича маблағлар сарфланди:

- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда иш берувчининг ажрат-малари — 29 млрд. 829 млн. 773 минг 962 сўм;
- хизмат сафари харажатлар — 236 млн. 573 минг 617 сўм;
- дастурий вазифалар билан боғлиқ харажатлар — 1 млрд. 656 млн.

# ЖАЗО ОҒИР ВА МУҚАРРАР БЎЛМАСА,

## ФОЖИАЛАР ДАВОМ ЭТАВЕРАДИ

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш давлат ва жамият олдида турган долзарб вазифалардан бири саналади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам ушбу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. 2023 йил 20 октябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари бу мавзуга алоҳида эътибор қаратиб, йўллардаги ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ вазият аянчи аҳволда эканидан ташвиш билдирганди. Масъулларга аниқ вазифалар белгиланган, бу борада тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Мавзунинг долзарблиги, жамият ҳаёти, юртдошларимиз хавфсизлиги билан бево-сита алоқадорлиги сабаб партияимиз Сайловолди дастурида ҳам бу борада аниқ вазифалар белгиланган...

Аммо, кўрилатган чора-тадбирларга қарамай, йўлларимиздаги хавф даражаси ҳануз таҳликали экани аччиқ ҳақиқат.

**Мавзу юзасидан Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Зухриддин МАВЛОНОВ билан суҳбатлашдик.**

**– Зухриддин ака, партия Сайловолди дастурида йўл ҳаракати қондаларини мунтазам, қасддан ва қўпол равишда бузганлик учун жазо чораларини кучайтириш, бунда маъмурий ва жиноий жавобгарлик, шунингдек, шикетсиз йўл ҳаракатларини қўллаш каби механизмлардан фойдаланиш назарда тутилган. Утган давр мобайнида фракция бу борада қандай ишларни амалга оширди?**

– Ҳақиқатан ҳам, Сайловолди дастурида йўллардаги тартибсизликка чек қўйиш партияимизнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Шу мақсадда бир гуруҳ депутатлар томонидан Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга жиддий ўзгаришлар киритишни назарда тутувчи янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Статистикага эътибор беринг: биргина 2025 йилнинг ўзида ҳайдовчилар томонидан 24 миллионга яқин қондабузарлик содир этилган. Энг ачинарлиси, сўнгги икки йилда йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 3 651 нафар инсон ҳаётдан кўз юмган. Бу шунчаки рақам эмас, бу – минглаб оила-лар бошига тушган фожиа, мусибат. Шу сабабли биз ўзимиз тайёрлаган қонун лойиҳасида жазо тизимидаги номуносибликларни бартараф этиш ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган нормаларни тақлиф этаймиз.

Асосий мақсадимиз жазонинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос келишини таъминлаш. Афсус билан айтиш керакки, амалдаги тизимда жиддий мантаний номуносибликлар мавжуд. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддасига кўра, маст ҳолда машина бошқарган шахс 3 йилга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Энди эътибор беринг: агар ушбу шахс жазо муддати ичда яна маст ҳолда рулга ўтирса, унга нисбатан Жиноят кодексининг 261-моддаси қўлланилади. Бироқ амалдаги жиноий жазода ҳам ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг юқори чегараси ҳудди маъмурий жазодагидек 3 йил этиб белгиланган.

Бу нима дегани?  
Бу – жиноят содир этган одам маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс билан бир хил жазо (3 йил ҳуқуқдан маҳрум қилиш қисмида) олади, дегани. Биз тақлиф қилаётган лойиҳа билан

жиноий жавобгарликдаги ушбу муддатни 3 йилдан 5 йилгача оширяймиз. Чунки, жиноят учун жазо маъмурий жазодан кескин фарқ қилиши ва қўрқув омилга эга бўлиши шарт.

**– Ушбу қонун лойиҳасини тайёрлашда хоризж тажрибаси ҳам ўрнатилди? Умуман, автохалокатларнинг олдини олишда хоризжий тажрибани ўрганиш бизга нима беради, деб ўйлайсиз?**

**“Наманганда ўқувчиларга автомобилни ижарага бериш авж олгани оқибатида, ҳар ойда 10-15 нафар ёшлар мажруҳ бўлиб қолмоқда. Ўлим билан тугаётган ҳолатлар ҳам кўп”.**

Президент Ш.Мирзиёевнинг 2025 йил 15 май – Мактаб таълими юзасидан видеоселектор йиғилишидан

– Албатта, биз ривожланган давлатларнинг тажрибасини чуқур таҳлил қилдик. Жаҳон тажрибаси шунки кўрсатадики, ривожланган давлатлар алкачон маст ҳолда автомобиль бошқаришни “эҳтиётсизлик” тоифасидан қиқариб бўлган. Кўпгина хоризжий мамлакатларда маст ҳолатда машина рулга ўтириш, бу – онгли равишда жамият ҳаётига хавф солиш сифатида баҳоланади.

Масалан, Буюк Британия ва Канадада маст ҳолатда автохалокат содир этиб, одам ўлимига сабаб бўлган ҳайдовчи умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин. Японияда бундай қилиш учун 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Бир суз билан айтганда, таҳлиллар ҳам шунки кўрсатдики, дунёнинг кўпгина давлатларида маст ҳолда машина бошқариб, одам ўлимига сабаб бўлиш “эҳтиётсизлик” эмас, балки “қасддан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш” сифатида баҳоланади. Биз ҳам мана шу халқаро стандартларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилишни мақсад қилганмиз. Шунингдек, Жиноят кодексининг 45-моддасига муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддатини алоҳида ҳолларда 10 йилгача этиб белгилашни тақлиф қилаймиз.

**– Афсуски, қонун-қондаларни менимайди, ўзини қонундан ҳам устун биладиган кимсалар ҳам жамиятимизда учраб туради.**

Уларни фақат маъмурий жавобгарлик билан тартибга олиш имконсиз. Катта миқдорда жарима тўлагач ёки 15 суткалик маъмурий қамоқдан қайтган ҳам яна ўша қондабузарликни қайта-қайта содир этаётганлар ҳам орамизда борлиги фикримизнинг тасдиғидир. Ҳатто улардан бири яқинда “ун минималкали арзимас” жазо билан қўгулиб қолганини писанда қилиб, ижтимоий тармоқларда чиқиш қилди, натижада жамоатчиликнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлди. Ҳақиқатан ҳам, қасддан содир этилган қўпол қондабузарлик учун маъмурий жавобгарлик етарлимикин? Бу ҳақда қандай фикрдасиз?

– Тўғри айтдингиз, бугунги кунда жамиятда энг катта эътироз уйғотётган жиҳат – жазонинг айрим тоифадаги шахслар учун “таъсирсиз” бўлиб қолаётганидир. Бойлиги ёки ижтимоий мавқеига ишониб, белгиланган жаримани шунчаки “кунлик харажат” сифатида қабул қиладиган, жазони ижтимоий тармоқларда мақтаниш предметига айлантирадиган кимсалар учун амалдаги пул жарималари ўз аҳамиятини йўқотган.

Бундай ҳолатларда фақатгина маъмурий жавобгарлик билан чекланиш фожиянинг олдини олиш эмас, балки кейинги фалокатни кутиш билан баробар. Шу сабабли биз келгусида

Янги қонун лойиҳаси билан транспорт воситасини 18 ёшга тўлмаган шахсга бошқариш учун топширилганлик учун жарима миқдорини БҲМнинг 50 бараварига (яъни 10 баравар кўп) ошириш ёки 15 сутка маъмурий қамоқ жазосини белгилаш назарда тутиляпти. Қонунчилигимиздаги бу ўзгариш Германия ёки Франция давлатлари тажрибасига мос бўлиб, “ўзгариш ҳаётини хавф остида қолдириш”, деб баҳолаш тақлифини илгари сураяймиз.

Вояга етмаган шахсларга жарима шахс рулини берганлик учун жарима жазосининг кескин оширилиши ёки қамоқ жазоси белгилашни фарзандига машина бермоқчи бўлган ота-она ёки транспорт воситаси эгасини тўхтатиб қоладиган жиддий иқтисодий ва маъмурий тўсиқ бўлади, деб ўйлайман.

**– Умуман олганда, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида йўл ҳаракати қондаларини менимасликдан фахрланиш кайфияти шаклланаётгани кўпчиликни ташвишга соляпти. Яқинда “Гелик” ҳайдовчиси пойтахт кўчаларида соатига 222 километр (!) тезликда ҳаракатланганини видеотаъсирга олиб, тармоқларга жойлади. Жамоатчилик эътирозларидан сўнг ҳайдовчи аниқланди, маъмурий қамоққа олинди. Аммо масаланинг яна бир жиҳати бор. Агар ўша тезликда кимнидир уриб тегганида жабрланувчининг омон қолиш эҳтимоли ноль фойзага тенг бўларди. Бир инсон ҳаётдан кўз юмган, жавобгарни беш-ун йилга озодликдан маҳрум қилишдан кимга фойда? Ахир инсон ҳаётини ҳеч қандай жазо билан қайтара олмайсиз-ку? Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун нима қилишимиз керак, деб ҳисоблайсиз?**

– Вояга етмаган болаларнинг рулга ўтириши – бу чиндан ҳам фожиа. Айрим ота-оналар “фарзандим эртароқ машина ҳайдашни ўргансин” деб, болаларига автомашина қалитини беради. Ёки баъзи бели оғримай пул топадиган “бойвачалар” ўзларининг “бой”лигини кўз-кўзлаш мақсадида вояга етмаган фарзандларига автомашина совға қилади. Айнан ана шундай босар-тусарини билмай қолган, “ҳамма нарсани пул билан ҳал қилса бўлади”, деб ўйлайдиган ота-оналарнинг нодонлиги натижасида Наманган, Самарқанд ва Тошкентдаги фожиялар юз берди.

Мана, сизга жуда ачинарли бир мисол. 2025 йилда вояга етмаганлар иштирокида 149 та ИТХ содир этилган бўлиб, уларда 56 нафар шахс вафот этган. Бунда асосий айб фарзандига машина қалитини ишониб топширган ёки назоратсиз қолдирган ота-оналар ва транспорт воситаси эгаларидадир. Аслида эса вояга етмаган болага машина рулини ишониб топширилганлик учун жиноий жазо берилиши керак. Бизнинг қонунчилигимизда ана шундай ҳолат содир этилса, жазо – БҲМнинг 5 баравари миқдорига белгиланган. Бу жуда енгил жазо. Менимча, шу боис ҳам бу турдаги қонунбузилиш ҳолатлари камаймаяпти.

Ҳақиқатан ҳам, Сайловолди дастурида йўллардаги тартибсизликка чек қўйиш партияимизнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Шу мақсадда бир гуруҳ депутатлар томонидан Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга жиддий ўзгаришлар киритишни назарда тутувчи янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Статистикага эътибор беринг: биргина 2025 йилнинг ўзида ҳайдовчилар томонидан 24 миллионга яқин қондабузарлик содир этилган. Энг ачинарлиси, сўнгги икки йилда йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 3 651 нафар инсон ҳаётдан кўз юмган. Бу шунчаки рақам эмас, бу – минглаб оила-лар бошига тушган фожиа, мусибат. Шу сабабли биз ўзимиз тайёрлаган қонун лойиҳасида жазо тизимидаги номуносибликларни бартараф этиш ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган нормаларни тақлиф этаймиз.

Асосий мақсадимиз жазонинг ижтимоий хавфлилик даражасига мос келишини таъминлаш. Афсус билан айтиш керакки, амалдаги тизимда жиддий мантаний номуносибликлар мавжуд. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддасига кўра, маст ҳолда машина бошқарган шахс 3 йилга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Энди эътибор беринг: агар ушбу шахс жазо муддати ичда яна маст ҳолда рулга ўтирса, унга нисбатан Жиноят кодексининг 261-моддаси қўлланилади. Бироқ амалдаги жиноий жазода ҳам ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг юқори чегараси ҳудди маъмурий жазодагидек 3 йил этиб белгиланган.

Бу нима дегани?  
Бу – жиноят содир этган одам маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс билан бир хил жазо (3 йил ҳуқуқдан маҳрум қилиш қисмида) олади, дегани. Биз тақлиф қилаётган лойиҳа билан

**“2024 йилда ҳайдовчилар 24 миллионга ҳуқуқбузарлик содир этган, буларнинг 81 фоизи қўпол қондабузарликка киради. Ижтимоий тармоқларда аҳоли, ҳатто таниқли шахслар ўртасида “жаримани тўлаб қўйдим-ку, хоҳлаганимдек юравераман” дейиш авж олган. Эндиликда йўлларда ҳайдовчилик маданиятини ошириш, ашаддий ҳуқуқбузарларга қонун кучини кўрсатиш мақсадида янги тизим қиламиз”.**

Президент Ш.Мирзиёевнинг 2025 йил 9 июль – Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилмасини яхшилаш ва тибрандликларни камайитириш бўйича видеоселектор йиғилишидан

– Бу шунчаки қондабузарлик эмас, балки жамият ва инсон ҳаётига нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик, таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, автотеррорчиликдир. Сиз айтган 222 км/соат тезлик шунчаки рақам эмас, муқаррар ўлим ҳумидир. Тўғри айтаяпсиз, агар ўша тезликда автохалокат юз берса, жабрланувчининг омон қолиш эҳтимоли ноль фойзага тенг бўлади. Ҳақиқатан ҳам, фожиа юз берганидан кейин бериладиган энг оғир жазо ҳам йўқотилган ҳаётни қайтара олмайдди. Шу боис асосий эътиборимиз жазонинг мuddатига эмас, балки жиноятнинг олдини олишга (превенцияга) қаратилиши керак.

Қонун лойиҳамизга киритилаётган ўзгаришлардан ташқари, жамиятдаги ушбу хавфли “хайл” ва маъмулий сизилик кайфиятини енгил учун қуйидаги концептуал ўзгаришларни амалга оширишимиз лозим деб ҳисоблайман:

Жаҳон тажрибасида, хусусан, Европа Иттифоқи мамлакатларида “Vision Zero” (ноль қурбон) стратегияси амал қилади. Бунда йўллар шундай лойиҳаланадики, ҳайдовчи хоҳласа ҳам юқори тезликда ҳаракатлана олмайдди (тор кучалар, сунъий тўсиқлар, хавфли чорраҳаларни айланма йўлларга ўзгартириш).

Аҳоли ўртасида тезлик билан фахрланиш эмас, балки “хавфсиз ҳайдаш” тренди айланishi керак. Бунинг учун ижтимоий рекламаларда ИТХ оқибатларини борича, ҳеч қандай парда-сиз кўрсатиш орқали қўрқув ва масъулият ҳиссини уйғотиш лозим. Биз ўша хавфли тезликка чиқишни ижтимоий ўлим (ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий) даражасига олиб чиқишимиз, ўпкаси йўқ, пул қутуртирган ҳайдовчиларни автомашина бошқарувидан узоқ мuddатга ёки умрбод маҳрум қилишимиз керак.

**– Тўғри, муаммо фақат жазо ёки назоратда эмас, балки йўл маданиятининг пастлигида ҳам намоён бўлади. Сизнингча, жамиятда йўл ҳаракати маданиятини шакллантиришда қайси механизмлар самарали бўлиши мумкин?**

– Фикрингизда жон бор. Фақатгина жазони кучайтириш ёки жаримани кескин ошириш билан муаммони тўлиқ

ҳал қилиб бўлмайди. Бизга “жазонинг муқаррарлиги” тамойили билан бирга “тарбиянинг узлуксизлиги” ҳам зарур. Мактабдан бошлаб, то олийгоҳгача йўл маданияти инсон онига сингдирилиши керак. Бундан ташқари, жамоатчилик назорати ҳам муҳим роль ўйнайди. Қондабузарликни кўрганда кўз юммаслик, ижтимоий нафрат муҳитини шакллантириш лозим. Қондабузарлик билан мақтаниш эмас, қондабузарлик билан фахрланиш кайфиятини уйғотишимиз керак.

Ривожланган давлатларда одамлар жаримадан қўрққани учун эмас, балки жамият олдидаги масъулиятни ҳис қилгани учун ҳам қондабузарлик қилмайди. Лекин шу ўринда ўша маданиятнинг таг замирида бир вақтлар ўрнатилган қатъий назорат ва адолатли жазо тизими ётганлигини ҳам назардан қочирмаслик керак, деб ўйлайман.

**– Зухриддин ака, сизга имконият берилса, ҳайдовчилар, ота-оналар ва ёшларга нима деб мурожаат қилган бўлардингиз?**

– Барча ҳайдовчилардан бир нарсани илтимос қилган бўлардим: рулга ўтиришдан олдин ўйингизда сизни кутиб ўтирган фарзандларингизни ва сизнинг айбингиз билан уйига қайтмай қолиши мумкин бўлган беғуноҳ инсонларни кўз олдингизга келтиринг.

Ҳар бир ҳайдовчи рулга ўтирар экан, нафақат ўз ҳаёти, балки ўзгалар тақдири учун ҳам масъул эканини ҳис қилишни истардим. Ота-оналардан эса илтимос қилардимки, ҳали вояга етмаган фарзандларингизга автомобиль қалитини бериш – бу унга совға бериш эмас, балки унинг қўлига қурол бериш билан баробардир. Унутманг, йўл хатони кечирмайди.

Сўзимни мухтасар қилишдан аввал яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки, биз тақлиф қилаётган қонун лойиҳаси кимнидир қамаш ёки жаримага тортиш учун эмас, балки йўлларимизда фарзандларимиз соғ-омон юриши, ҳар бир инсон уйига эсон-омон қайтиши учун хизмат қилади.

**– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

Суҳбатдош: Ислон ҲАМРОЕВ



Муаммо, мулоҳаза, мушоҳада

# ТАҶИЖ



## Муаммога тўлақонли ечим бўла оладими?

Сугдиёна СОБИРОВА,  
журналист

Болаларнинг ақлий ва руҳий саломатлигини ахборот хуржларидан ҳимоя қилиш бугунги кунда давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифага айланган. Айниқса, дунёқараши шаклланаётган ўсмирларнинг виртуал оламдаги хатарларга рўбарў келиши жамиятни жиддий мулоҳаза юритишга чорламоқда. Статистикага кўра, бугун Ўзбекистонда 10 ёшдан катта аҳолининг 94 фоизи интернетдан фойдаланади. Тармоқ алгоритмлари салбий ахборотларни тезкор етказиши натижасида болаларда стресс, уйқусизлик ва руҳий мувозанатнинг бузилиши кузатишмоқда. Кибербуллинг, манипулятив контент ва шахсий маълумотлар хавфсизлиги каби муаммолар тизимли ечимни талаб этмоқда.

### Дунё аллақачон биринчи қадамни ташлади

Дунё ҳамжамияти вояга етмаган шахсларга ижтимоий тармоқларни тақиқлаш, уларни ҳар хил мақсадда тарқатилаётган ахборот хуржидан қўтариш хусусида беш қотирмоқда. Ҳатто Австралия бунга бир қадар эришди ҳам. Аслида виртуал оламда ўсмирлар қандай хавф-хатарларга дуч келиши мумкин? Уларга ижтимоий тармоқларни чеклаш қанчалик тўғри қарор бўлади? Чеклаб қўйилди ҳам дейлик, болалар ниманидир йўқотмайдими? Уйлантирадиган саволлар талаягина.

Ҳўш, бу борада жамоатчилик фаоллари, ота-оналар, ўқитувчилар ҳамда ёшлар қандай фикр ва таклифларни илгари сурмоқда? Дастлаб шуни таъкидлаш кераки, ижтимоий тармоқларда болалар дуч келаётган хавф-хатарлар ўта жиддий. Бир қатор ахборот манбалари ўсмирлар кўрқитиши, ҳақорат қилиш, камситиши, ҳатто ўз жонига қасд қилиш, порнографияга қалтиш ва жиддий муаммолар билан тўқнаш келиши мумкинлигини таъкидламоқда. Шу билан бирга манипулятив ахборот, шахсий маълумотлар хавфсизлиги масалалари ҳам бор.

Шунинг учун болага "нимани кўрмаслик"ни эмас, балки "нимани ва нима учун кўраётганини англаш"ни ўргатиш муҳимдир. Ахборот макони – хавф ҳам, имконият ҳам. Натижани эса оилавий тарбия, психологик саводхонлик ва танқидий фикрлаш даражаси белгилайди. Шундан келиб чиқиб, Австралия биринчилардан бўлиб ўсмирларга ижтимоий тармоқлар, хусусан, Инстаграм, ТикТок, YouTube каби платформаларда шахсий аккаунт очишни тақиқлади. Тақиқларга болаларни ҳимояловчи механизм сифатида қаралса, ўзаро дўстлик ва мулоқот эркинлигининг тўсиб қўйилиши, муаммоларга муносиб ечим бўла олмаслиги ҳақида ҳам фикрлар ифода этила туриб, энг аввал, оиладаги муҳитга, ота-она ва фарзанд муносабатларига эътибор қаратилиши таъкидланмоқда. Халқаро майдонда болаларни рақамли даврда салбий ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилиш тажрибасидан мисол қилсак, Нидерландия 15 ёшга бўлганларга Инстаграм, ТикТок каби тармоқларни тақиқлаган. Ҳиндистон, Дания, Франция, Қозғистонда эса жараён у ёки бу босқичда.

Хитойда (гарчи Хитой ақли технологиялар таъминотчиси бўлса-да) болалар учун кунига бир соатдан ортққ ўйин ўйнамаслик чеклови бор. Норвегияда мобил телефонларсиз мактаб модели натижалари ижобий экани, масалан, болаларнинг ижтимоий фаоллиги ва жамоавий иштирокининг ошишида, реал ҳаётдаги хатти-ҳаракатига кўпроқ диққат қаратишида, ўзаро келишмовчиликларнинг бартараф этили-

шида сезиларли натижа кўрсатаётгани айтилмоқда. Аслини олганда, интернетдаги йирик ахборот базасидан кераклик контент билан банд бўлиш кишининг шахсий танлови деб баҳолашни мумкин, аммо ўсмирлар ва болаларда манфаатли ахборотни танлаш кўникмаси тўлақонли шаклланимаган бўлади. Шунинг билан олган ҳолда Канада ва Финляндияда медиа-саводхонлик дарслари мактабларданок ўргата бошланади. Ижтимоий тармоқ "маъсулоти" таҳлил қилинса, шунга гувоҳ бўлиш мумкин: аксар ахборот салбий характерга эга. Ҳўш, инсон мияси ва руҳияти салбий хабарларга қандай реакция қилади?

### Ҳозир, ChatGPTдан сўраб олай...

Психология фанлари доктори Индира Игоревнага кўра, инсон мияси салбий хабарларга ижобийликка қараганда тезроқ ва кучлироқ реакция билиради. Чунки мия эволюцион жиҳатдан хавфни тез аниқлашга мослашган. Салбий ахборот пайтида организм "огоҳлантириш" режимида ўтади: стресс кучаяди, ҳавотир ортади. Агар инсон, айниқса бола, доимий равишда салбий хабарлар оқидами бўлса, бу уйқу бузилиши, кайфият пасайиши ва диққат сусайишига олиб келиши мумкин. Салбий воқеалар хотирада узокроқ сақланади ва ҳиссий барқарорлик таъсир қилади. Шу сабабли ахборотни меърида қабул қилиш ва руҳий енгиланганда ривожланиш жуда муҳим.

– Ижтимоий тармоқларни болаларга тақиқлаш тарафдориман, ҳеч бўлмаганда ўрта мактабни билан бўлади. Бунга ўзим гувоҳ бўлиб турибман. Қизим 14 ёшда, илгарилари китобдан бошини кўтармас, узукун дарс қилиш билан банд бўларди. Ҳозир унинг тил ўрганишига, бошқа фанларни ўзлаштиришига осон бўлсин деб ижтимоий тармоқдан фойдаланишига рухсат берган эдик, кейин уни ушбу тармоқ ичидан "олиб чиқиш" қийин бўлиб қолди. Авваллари жуда кўп саволлар берар, дарсларни қизиқиб тайёрларди. Энди бирор савол берсангиз, "ҳозир, ChatGPTдан сўраб олай" деб жавоб қайтаради. Албатта, ҳамма нарсанинг ижобий ва салбий томони бўлади. Аммо ижтимоий тармоқни болалар ва ўсмирларга тақиқлашнинг устувор томонлари тарозида оғирроқ тош босади, менимча. Аслида, қизиқиларни учун вақт ажратилиши, дўстлар орттириши асло ёмон эмас, бироқ назорат, меъёр ва вақт инobatга олиниши шарт. Бундай олиб қара-

ганда, ота-она кун бўйи фарзандининг тепасида туриб, "ундай қилма, бундай қил" деб йўл-йўриқ кўрсатиши имконсиз. Фарзандларнинг виртуал маконда унумли, зарур ҳоллардагина вақт ўтказишига ҳеч қандай қаршилик йўқ, бироқ саралаш имунитети уларда шаклланишга таътиқ тўғри танлов бўлади, фикримча. Акс ҳолда билиб-билмай хато қилиб қўйиши мумкин.

– Тўлиқ таътиқ самарали ечим эмас. Назорат керак. Ёшига мослаб интернет дасурлари-ю иловагара рухсат бериш керак, назаримда. – дея масалага муносабат билдирди санъатшунос журналист Иқбол Қўшаева. – Имконсиз ҳоҳававлар боланинг ақл-хушини ўғирлайди, солиштириш бошланади. Бола чалғийди. Ёки ҳар хил ёвузликлар, ҳаёсиз нарсаларга кўзи тушиб дийдаси эрта қотади. Бу каби салбий оқибатларнинг эрта олдини олиш учун ота-она назоратини кучайтириш, оилавий ва дўстлараро муҳитни яхшилаш керак. Бу жуда муҳим. Ва шарт! Ўзим болаларимни қаттиқ назорат қиламан. Асосан шахмат ўйини ва эртақ эшитишга рухсат бор.

### Депрессив ҳолатлардан ўзига зарар етказишгача

Психолог Индира Раҳимовага кўра, бугунги кунда ижтимоий тармоқлар болалар ҳаётининг ажралмас қисмига айланган улевлар. Улар учун бу нафақат мулоқот майдони, балки ўзини намоён қилиш, тендеошлари орасида ўрин топиш воситасидир.

– Аммо виртуал маконда учрайдиган камситиш, босим ва таҳдидлар бола руҳиятига жиддий зарар етказиши мумкин, – дейди у. – Биринчидан, онлайн камситиш ва масҳара қилиш болада ўзига ишончининг пасайишига олиб келади. Бола ўзини камситилгандек ҳис қила бошлайди. Бу эса ўзини паст баҳолаш, уятчанлик, ижтимоий чекланиш каби ҳолатларга сабаб бўлади. Иккинчидан, доимий босим ва таҳдид охири хавотирланувчанлик даражасини оширади. Бола ҳар бир хабарни кўрувчи билан қўтиши, телефон товушидан чўчиши мумкин. Уйқунини бузилиши, диққат пасайиши, ўқишга қизиқининг камайиши ҳам шундан келиб чиқади. Учунчидан, киберўзравонлик узок давом этса, депрессив ҳолатлар, ёлғизлик ҳисси, ҳатто ўзига зарар етказиш фикрларига олаб бориши мумкин. Ёш хавфлиси – виртуал таъвоуз кўпчица яширин кечади, ота-она ва ўқитувчилар бунни кеч сезади.

### Жозибдор намоиш алгоритми

Болаларда ахборотни мустақил саралаш "имунитети" ҳали тўлиқ шаклланимаган бўлади. Сабаби оддий: уларнинг миясида танқидий фикрлаш, хавфни олдиндан баҳолаш ва узок муддатли оқибатни кўра билгиш функциялари ҳали ривожланиш жараёнида бўлади. Бола кўпроқ ҳиссиёт билан қабул қилади, мантқиқий фикрлаш эса катталарникига нисбатан сустроқ ишлайди. Масалан, агрессив, ёлғон ёки манипулятив контентни у кўпчица ҳақиқат деб қабул қилиши мумкин. "Ҳамма шундай қилаяпти" деган ижтимоий босим эса унинг қарорини янада осон ўзгартиради. Яна бир муҳим жиҳат – алгоритмлар болага нимани кўп кўрсатса, шунинг кўпроқ тақлиф қилади. Бола бир марта салбий ёки ёшига мос бўлмаган контентни кўрсатса, платформа шунга ўхшаш материалларни кетма-кет кўрсатиши мумкин. Бу эса нотўғри қарашларнинг тез шаклланишига олиб келади. Шу сабабли болалардан "ўзи

Кизим 14 ёшда, илгарилари китобдан бошини кўтармас, узукун дарс қилиш билан банд бўларди. Ҳозир унинг тил ўрганишига, бошқа фанларни ўзлаштиришига осон бўлсин деб ижтимоий тармоқдан фойдаланишига рухсат берган эдик, кейин уни ушбу тармоқ ичидан "олиб чиқиш" қийин бўлиб қолди. Авваллари жуда кўп саволлар берар, дарсларни қизиқиб тайёрларди. Энди бирор савол берсангиз, "ҳозир, ChatGPTдан сўраб олай" деб жавоб қайтаради. Албатта, ҳамма нарсанинг ижобий ва салбий томони бўлади. Аммо ижтимоий тармоқни болалар ва ўсмирларга тақиқлашнинг устувор томонлари тарозида оғирроқ тош босади, менимча.

билиб ажратади" деб қўтиш тўғри эмас. Ахборот имунитети – бу турма эмас, ўргатиладиган кўникма. Ота-она ва педагоглар болага қуйидагиларни ўргатиши зарур: ҳар қандай маълумотни текшириш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, провокацион контентга ҳиссий жавоб бермаслик, ишончли манбани фарқлай олиш. Рақамли саводхонлик бугунги кунда оддий кўникма эмас, балки психологик ҳимоя воситасидир.

### Болаларни қандай асраймиз?

– Аввало шуни айтиш кераки, Ўзбекистонда болаларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш масаласи умуман тартибга солинмаган эмас, – дея масаланинг ҳуқуқий жиҳатларига тўхталиб ЎзДЖТ Медиа тадқиқотлар институти директори, филология фанлари доктори Беруний Алимов. – Мамлакатимизда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Болаларни соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, шунингдек, "Шахса доир маълумотлар тўғрисида"ги ва "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунлар мавжуд. Бу ҳужжатлар болаларнинг ахборот маконидидаги ҳимояси учун муҳим ҳуқуқий пойдевор яратди. Аммо буён рақамли муҳит жуда тез ўзгариб бормоқда. Ижтимоий тармоқлар оддий ахборот платформаси эмас, балки мураккаб алгоритмлик тизим бўлиб қолди. Улар фойдаланувчининг экранда узокроқ ушлаб туриш учун турли механизмлардан фойдаланади. Шу сабабли мавжуд қонунчиликни замонавий рақамли реалликка мос равишда янгиллаш зарур. Фикримча, бир нечта муҳим йўналишда ўзгаришлар зарур. Биринчидан, вояга етмаган фойдаланувчи учун алоҳида хавфсизлик режими бўлиши лозим.

Масалан, болалар аккаунтларида махфийлик даражаси юқори бўлиши, беғона, нотаниш шахсларнинг ёзишмалари чекланиши керак. Иккинчидан, платформалар учун ёши аниқлаш механизми жорий қилиш талаб этилиши шарт. Бу шахсий маълумотларни бузмасдан амалга ошириладиган технологиялар бўлиши мумкин. Учунчидан, болалар учун қарамликни кучайтирувчи дизайн элементлари – кексиз лента, автоматик видео ижроси каби функцияларни чеклаш масаласи кўриб чиқилиши зарур. Тўртинчидан, платформаларнинг ўзига ҳам маъсулият юкланиши керак. Менимча, бу масалада барча маъсулиятни фақат ота-онага юклаш адолатли эмас. Болалар учун медиа саводхонлик масаласи жуда муҳим. Яъни, бола нафақат интернетдан фойдаланиши, балки ундаги ахборотни танлаши, вақтни бошқариши ва хавфсизлик қондаларини олдиндан яхши билиши керак. Демак, бу ерда учта омил муҳим: ота-она, таълим тизими ва платформаларнинг ўзи. Муаммо ҳам, ечим ҳам айнан шу учликнинг ҳамкорлигида кўринади.

Муносабат

# АЁЛ ВА БОЛА ХАВФСИЗЛИГИ – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Жамиятимизда хотин-қизлар ва болаларга нисбатан ҳар қандай кўри-нишдаги ўзравонликка қарши муросасиз муносабатни (тоқатсизликни) шакллантириш энг долзарб масалалардан бирига айланган. Гарчи аёлни эъозлаш ва болаларга ғамхўрлик қилиш халқимизнинг кўп асрлик миллий қадриятлари ҳамда анъаналари сирасига кирсада, бугунги кун воқелиги бу борада ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўплигидан далолат бермоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, соҳадаги вазият нақадар долзарб эканини кўришимиз мумкин.

### Саида МАХМУДОВА, Фаргона туманлараро иқтисодий суди судьяси

Масалан, ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимизда аёлларга нисбатан 48 минг 303 та таътиқ ва ўзравонлик ҳолати қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич аввалги йилнинг мос даврига нисбатан 121 фоизга ошган. Болалар омубусмани номига келиб тушган мурожаатлар сони эса 1 минг 934 тани ташки этиб, 2024 йилга нисбатан 84 фоиз ўсишни кўрсатмоқда. Булар, ўз ўрнида, халқимиз орасида ҳуқуқий маданият ошаётгани ва жабранувчилар сукут сақлашдан воз кечаётганини аниқлатади.

Бироқ ўзравонликнинг олдини олиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иши эмас, балки ҳар бир фуқароннинг инсонийлик бурчи эканини унутмаслигимиз даркор. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 3 мартда имзоланган "Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таътиқ ва ўзравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида"ги фармон миллий ҳуқуқий тизимда инсон шаъни олий қадрият сифатида белгилаб қўйилгани, ўзравонликка муросасизлик тамойилларини мустаҳкамлашга йўнаштирилгани билан эътирофга сазовордир.

Хусусан, унда вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги оид жиноятлар учун жазо чораларини қатъий кескинлаштириш белгиланди. Бу нафақат жиноятчига одилона жазо тайинлаш, балки жамиятни бундай иллатлардан тозаашининг превентив механизми ҳисобланади. Яъни, 14 ёшга етмаган шахснинг номуслига тегиш ёки жинсий эҳтиёжини зўриқ ишлабтиришга қўриқилган усулда қондиринг каби жиноятлар учун муқаддам судланган шахслар қайта жиноят содир этса, уларга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиладиган бўлади.

Шунингдек, бундай маҳкумларни манзил-колонияларга ўтказмаслик, жазони ўташ шартларини енгиллаштирмаслик ва уларни мажбурий психологик тузатиш дастуруларидан ўтказиш қатъий талаб сифатида жорий этилди. Шу билан бирга 2027 йилдан бошлаб болаларга нисбатан ўзравонлик ишларини фақат махсус тайёрлардан ўтган терговчи ва судьялар кўриб чиқиши белгиланди. Бу жабранувчининг ҳолатини тўлиқ ҳуқуқий баҳолаш ва инсонпарварлик, адолат тамойилларини қарор топтиришга хизмат қилади.

Энг асосийси, ушбу фармон тўғрисида миллий қонунчилигимизга халқаро стандартларга мос замонавий тушунчалар ва уларнинг жавобгарлик чораларини киритиш вазифаларни қўйилди. Масалан, фемцид (аёлларни айнан жинс сабабли қасдан ўлдириниш), stalking (шахсни унинг эркига зид равишда тинимсиз таътиқ қилиш ва кўрқитиш), киберўзравонлик ва онлайн гриминг (интернет орқали боланинг ишончига қириб, ундан жинсий мақсадларда фойдаланиш) учун жавобгарлик кучайтирилмоқда. Яна бир жиҳат, фармонда эрта никоҳларга чек қўйишда ижтимоий-иқтисодий рағбатлантириш усулини кенгайтириш кўзда тутилган.

Айтилган, 2027 йилдан бошлаб 21 ёшга тўлиб никоҳ қўриган ёш оилаларга дават имтиёзлари ва молиявий қўмақлар (субсидия, грантлар) 1,5 бараварга оширилган ҳолда берилади. Таълимда "иккинчи имконият" принципини ҳамоҳанг равишда ҳомилдор ёки болали талаба-қизларга масофавий таълим ва ўқини тилашда бериладиган имтиёзлар хотин-қизларнинг инсон капиталини юксалтиришга хизмат қилади.

Бу фармон юртимизнинг халқаро ҳуқуқий майдондаги нуфузини ошириш билан бирга, жамиятда "Инсон ҳуқуқлари оила оstonасида тугамайди" деган замонавий тамойилни амалда мустаҳкамлайди. Ўзравонликка, айниқса, педофилияга қарши курашиш – бу нафақат қонун талаби, балки келажак авлод олдидида маънавий мажбуриятимиздир. Зеро, аёл ва боланинг хавфсизлиги – миллатнинг келажаги саналади.

Инсонлардаги гўзаллик бу – юздир, юздаги гўзаллик эса – кўздир. Аммо инсонни инсон қилган бу унинг тилидан чиқадиган – сўздир.

Жалолиддин РУМИЙ

Бизнинг дунёимиз яшаш учун хавфли жой. Айримлар ёмонлик қилаётгани учун эмас, қолган барча бунни жим қўзатиб тургани учун.

Алберт ЭЙНШТЕЙН

Тафаккур



# ТАҶАЛЛОВ ОҚИБАТТИ ҚИСМАТТДИР

“Осмони фалакларда: Авиапарвознинг ягона қурбони” фильми ҳақида қайдлар

## Премьердан сўнг

### Ислом ҲАМРО

Давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги сабаб сўнгги йилларда миллий кинематографиямиз янги ланиш даврига қадам қўйди. Янги мавзулар, янги образлар, янги драматик изланишлар ўзбек кино томошабинларининг соҳага меҳрини янада оширмоқда. 21 март – Наврўз байрами оқшомида Ўзбекистон миллий кино санъати саройида бўлиб ўтган “Осмони фалакларда: Авиапарвознинг ягона қурбони” фильми тақдироти ҳам ана шу эътибор ва рағбатнинг амалдаги ифодаси бўлди. Фильм томошабинни чуқур ўйга толдирадиган драматик сюжетга бойлиги, ижодий жамоанинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, атоқли режиссёр Жаҳонгир Қосимов, моҳир оператор Рустам Муродов, Юлдуз Ражабова ва Мердан Матвелиев каби ёш истеъодлар ва таниқли санъат усталаридан таркиб топгани ҳам диққатга молик. Премьера олдиндан санъат саройи томошабинлар билан гавжум бўлди. Бу ҳам миллий экран санъатида мазмунли, руҳий туғёнларга тўла асарларга эҳтиёж юқори эканидан далолатдир.

Янги кино ҳақида сўз кетганда масала бир ҳақиқатга келиб тақалади: томошабинларнинг келиб қолгани, аввало, кучли адабий асос, пухта драматургик тафаккур ва ҳаётий ҳақиқатга таянган сценарий зарур. Режиссёрлик ечим, операторлик маҳорати, актёрлик ижроси қанчалик юксак бўлмасин, уларнинг барчаси мустақкам пойдевор – яхши сценарий устида барқарор қад ростлагандагина ижобий натижа бўлади. Шу нуқтага назардан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайридин Султоновнинг сўнгги йилларда яратган, янги мавзу ва оҳангдаги, замон қаҳрамонлари гавдалантирилган ўзига хос асарлари киноҳоддорлар учун жозибдор бадиий манба вазиёсини ўтаётгани табиийдир.

Жумладан, муаллифнинг ўтган йили китобхонлар қўлига етиб борган “Осмони фалакларда” китоби қисқа фурсатда адабиёт муҳаббатининг эътирофи ва меҳрини қозониб улгурди. Китобга киритилган ҳикояларнинг оригинал мавзуда экани, ҳалол ва ҳаром, олижаноблик ва пастхаллик каби инсоний тутумлар зиддияти бош ғоя сифатида танлаб олингани асарга юксак руҳ бағишлаган. Ушбу китобнинг ўтган қисқа вақт ичида қорақалпоқ ва рус тилларида нашр этилгани, ундаги ҳикояларнинг экранлаштирилгани эса янада қувонарлидир. Айниқса, “Бир кишилик авиаҳалокат” номидаги чуқур психологик драматизмга йўрилган ҳикоянинг кино тилига кўчирилиши соҳадаги мавзу ва услубий янгилишни белгисиз сифатида баҳоланиши лозим.

Асар, аввало, ташқи воқеа эмас, инсоний кечинмалар, шахснинг ички руҳий эврилишлари ҳақида ҳикоя қилади. Сюжет марказида ёш учувчи Искандар образи туради. У касбига садоқатли, ўта масъулиятли, юзлаб йўловчилар жой олган ҳаво лайнерини ишонч ва қатъият билан бошқара оладиган инсон. Аммо шу қадар юксак касбий интизом ва ирода ортида руҳан парчаланган, муҳаббат, виждон, хиёнат, орзу ва йўқотиш ўртасида саросар бир шахс яшайди. Асарнинг энг катта ютуғи шундаки, унда “авиаҳалокат” сўзи одатий маънодаги техник фалокатни эмас, балки бир инсон қалбидан рўй берган, кўзга кўринмас, аммо ҳалокатли ҳодисани англатади.

Самолёт ерга омон-эсон кўнади, йўловчилар бешикта манзилга етказилади, ле-

кин ҳаво кемасининг сардори – Искандар Исроилов ҳалок бўлади. Демак, воқеанинг фожиали яқуни осмонда эмас, инсон руҳиятида юз беради. Шу жиҳатдан асар номи рамзий, серкатель ва чинакам бадиий топилади.

Воқеалик оддий муҳаббат қиссаси даражасида қолдирилмаган. Муаллиф Искандар ва Садаф муносабати орқали замонавий инсоннинг икки олам – бурч ва хоҳиш, ҳалоллик ва нафс, оила ва эҳтирос, масъулият ва шахсий бахт ўртасидаги оғриқли танловини очиб беради. Искандарнинг фожиаси икки ҳаётни бирваракай сақлаб қолмоқчи бўлишида, таъбир жоиз бўлса, бир вақтнинг ўзида икки кеманинг бошини тутишга уринишида: бири – иккимовий, қонуний, оилавий ҳаёт; иккинчиси – бутун қалбини чуқур эгаллаган пинҳоний муҳаббат. Аммо инсон қалби бу икки қарама-қарши ҳақиқатни қабул қилолмайди. Шунинг учун ҳам Искандарнинг ҳалокати биологик ўлимдан олдин маънавий таназзул сифатида бошланади.

Садаф образи эса ҳикоянинг энг мураккаб, энг жозибали бадиий сиймоларидан биридир. Уни бирёқлама баҳолаб бўлмайди. Садаф на оддий маъшуқа, на шунчаки муҳаббат объекти. У ҳаёт зарбаларида пишган, бахтсиз, тақдирдан кўп озор еган, бир пайтнинг ўзида эришган, ҳам ожиз, ҳам меҳрибон ва ҳам ўта қатъиятли, бир сўз билан айтганда, зиддиятчи шахс. Унинг тилида киноя, муносабатиди эркинлик, қалбиди эса ботиний изтироб бор. У Искандарни ўзига ром этади, тарбиялайди, руҳан ўстиради. Лекин айна вақтда йигитни ҳалокат сари етаклайди. Аслида Садафнинг ўзи ҳам ҳалокат ичиди яшайди. Унинг муҳаббати етим, турмуши омонат, эртанги куни ноаниқ. Шу маънода, Садаф фақат қаҳрамоннинг эмас, даврнинг мажозий маънодаги ярадор образидир.

Ҳикоянинг энг ўткир қирраларидан бири психологик таҳлил асосида очилган. Муаллиф қаҳрамоннинг ички ҳолатини узун монологлар ёки сунъий изохлар билан эмас, ёрқин деталлар орқали очади. Масалан, парвоз жараёни, кабина муҳити, турбулентлик, жисмоний оғриқ, ташқи сокинлик ва яширин изтироб ўртасидаги кескин контраст қаҳрамон руҳий драматизми янада таъсирчан қилади. Учувчи кабинаси бу ерда

жавоб томошабиннинг виждонига ҳавола қилинган.

Фильмда касб ва шахсий ҳаёт тўқнашуви катта драматик куч билан ифода этилган. Искандар оддий одам эмас; у ўзига юзлаб инсонлар тақдирини ишониб топширилган маҳоратли учувчи. Демак, унинг руҳий изтироби фақат шахсий муаммо бўлиб қолмайди. Унинг қалбиди бўрон самолёт кабинасида ҳам кириб келади. Асарнинг бутун фожиаси мана шу нуқтада бир тугунга айланади. Юксак масъулият талаб қиладиган касб эгаси ҳам ички парокандаликдан ҳимояланмагани аён бўлади. Бу эса замонавий ҳаётнинг яна бир аччиқ ҳақиқатини очади – профессионал салоҳият ҳар доим ҳам шахсий ирода билан мувофиқ келмавермайди.

Фильмнинг томоша қилган, беихтиёр шундай хулосага келасиз: баъзан энг катта ҳалокатлар гувоҳсиз содир бўлади. Улар ҳақида газеталар ёзмайди, расмий баёнотлар берилмайди, бир сўз билан айтганда, “қора қути”лар очилмайди. Чунки бундай ҳалокат инсоннинг ичиди, қалбиди, хотирасида юз беради. Хайридин Султонов ана шу кўзга кўринмас фожиани адабиёт тилида жуда таъсирчан тасвирлаган. Энди бу дарднинг экран тилида ҳам гўзал бир тарзда ифодаланиши, шубҳасиз, миллий кинематографиямиз учун муҳим ютуқдир.

Алоҳида эътиборга молик яна бир жиҳат ҳалол ва ҳаром, маънавият ва ахлоқ масаласининг инсон қисматида бевосита ва муқаррар таъсирида очилган. Қайси йўлни танлаш – виждонга қўлоқ солиши ёки нафсга эргashi – айна шу нуқтада инсоннинг тақдирини белгилайди. Искандар образи бу ҳақиқатнинг ёрқин мисолидир. У ёмон инсон эмас, аксинча, меҳнатқаш, масъулиятли, оиласига, фарзандига беътибор бўлмаган шахс. Бирок у маънавий жиҳатдан икки йўл орасида қўлиб кетди: бири ҳалол, яъни оила, бурч ва масъулият; иккинчиси қалби истаган, лекин ахлоқий жиҳатдан номақбул муҳаббат. Ушбу икки қарама-қарши қутб ўртасида узоқ вақт мувозанат сақлашга уриниш унинг ҳалокатига сабаб бўлди.

Зеро, ҳаром аралашган ҳар қандай бахт барқарор бўлмаслиги аён ҳақиқатдир.

Садаф образи орқали эса муаллиф яна бир мураккаб ҳақиқатни очади: баъзан инсон ҳаётидаги ахлоқий оғишлар унинг ёвузликдан эмас, балки тақдир зарбалари, ижтимоий шариот ва руҳий жараҳатлар оқибатида юзага келади. Садафни ҳам ҳаёт қаттиқ синанган, у адолатсизликдан чарчаган, турмуш муштаридан безган аёл. Унинг айрим қарорлари ахлоқий жиҳатдан баҳсли бўлса-да, уларни тушуниш мумкин. Аммо тушуниш – оқлаш дегани эмас. Асар айна шу нозик чизиқни маҳорат ва назокат билан ушлаб туради. Муаллиф қаҳрамонларни на мултан гуноҳкор, на мултан бебай сифатида кўрсатади.

Шу ўринда таниқли адабиётшунос Султонмурод Олимнинг ушбу китоб ҳақида ёзган тақризидаги “Аллоҳ-Аллоҳ, ишқ аро бундоқ балолар бор эмиш” (Алишер Навоий) деган сўзлар беихтиёр ҳаёлга келади.

Хулоса сифатида айтиш жоиз, “Осмони фалакларда: Авиапарвознинг ягона қурбони” фильми адабиёт ва кино ўртасидаги унумли ҳамкорликнинг ёрқин намунаси бўлибди. Бу экранлаштириш яна бир бор шунини тасдиқлайдики, миллий кинонинг эртанги истиқболи, аввало, миллий адабиётнинг кучли асарларига таяниши билан боғлиқ. Адибларимиз яратётган замонавий мавзуларга қалба яқин асарлар бу йўлда режиссёр ва сценаристлар учун ишончли бадиий манба ҳисобланади.

## Молия муассасаларида

# Банк ҳисоботи: БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ



“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ-нинг 2025 йилдаги фаолияти яқунлари муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Маълумки, “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурининг асосий таянч банки ўлароқ тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ва аҳоли учун қўшимча даромад манбаларини яратишга ҳисса қўиш орқали ислохотлар шиддатига мусу равишда ўз олдига қўйган мақсадларига эришиб келмоқда. Буни 2025 йилда банк томонидан эришилган натижалар яққол кўрсатади.

Матбуот анжуманида банк томонидан бу борада эришилган натижалар ва 2026 йилдаги режалар ҳақида ахборот берилди.

2025 йил давомида банкнинг молиявий кўрсаткичлари барқарор ўсиш динамикасини сақлаб қолди. Хусусан, 2026 йил 1 январь ҳолатига банкнинг умумий капитали 5,27 триллион сўмга етди. Бу ўтган йилга нисбатан сўмга қўшиб 25%га ўсишни аниқлаб, банкнинг молиявий барқарорлиги ва ички ресурслари мустақамланиб бораётганини кўрсатади.

Хисобот йилида банк активлари ҳам сезиларли даражада ўсди, яъни, жами активлар 38 триллион 167 миллиард 731 миллион сўмга етди. Бу ўтган йилга нисбатан сўмга қўшиб 20,1 фоиз ёки 5 триллион 382 миллиард сўмга ўсиш кузатилди. Даромад келтирувчи активларнинг банк жами активларидаги улуши 84,3 фоизни ташкил қилди.

Даромад келтирувчи активлар эса 32 триллион 184 миллиард 800 миллион сўмга етди. Бу борада 2024 йилга нисбатан 20,1 фоиз ёки 5 триллион 382 миллиард сўмга ўсиш кузатилди. Даромад келтирувчи активларнинг банк жами активларидаги улуши 84,3 фоизни ташкил қилди.

Шу билан бирга, депозит базасининг 41,6% га ўсиб, депозитлар қолдиги 15 триллион 241 миллиард 180 миллион сўмга етган. Шундан 4 триллион 197 миллиард 471 миллион сўми жисмоний шахслар омонатидан иборат.

Матбуот анжуманида кредитлаш орқали иқтисодий фаолликни рағбатлантириш йўналишидаги маълумотлар ҳам очикланди.

Хусусан, банк томонидан 2025 йилда ажратилган 10,38 триллион сўмлик кредит маблағлари иқтисодийнинг турли соҳаларида янги лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилгани эътироф этилди. Ўз навбатида, кредит қўйилмалари ҳажмининг ўсиши фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини янада рағбатлантиришга муҳим омили бўлгани кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, 2025 йилда банкнинг кредит қўйилмалари 24 триллион 551 миллиард 958 миллион сўмга етди. Бу эса 2024 йилга нисбатан 2 триллион 25 миллиард 327 миллион сўмга ёки 8,9 фоизга ўсишга эришилганини аниқлатади.

Қурилаётган чоралар ва кўрсатилган хизматлар ўз навбатида банк миқозлари сони ҳам интенсив равишда ошиб боришига замин яратмоқда. Зеро, 2025 йил якуналари бўйича банкнинг жами миқозлари сони 1 миллион 865 минг 608 нафарга етди. Шундан жисмоний миқозлар сони 1 миллион 768 минг 254 нафар ва юридик шахс мақомидаги миқозлар сони 97 354 тани ташкил этди.

Бунда хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар ва қурилаётган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, 2026 йил 1 январь ҳолатига банкдаги хизмат кўрсатиш офислари сони Бош амалиётлар бошқармаси билан биргаликда 76 тани ташкил этди.

Шунингдек, бугунги кунда миқозларга 156 та халқаро пул ўтказмалари шохобчалари, 198 та валюта айирбошлаш шохобчалари ҳамда 327 та 24/7 режимида хизмат кўрсатувчи шохобчалар орқали замонавий банк хизматлари тақлиф этилмоқда.

Шу билан бирга, матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакилларига банк томонидан амалга оширилган кредитлаш ишлари натижалари ҳақида ҳам атрафлича маълумот берилди.

“Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури доирасида 7 601 нафар тадбиркорга 820 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида 7 809 та янги иш ўрни яратилди.

Қайд этилдики, Бизнесни ривожлантириш банкига республика бўйича 610 та маҳалла бириктирилган бўлиб, 2025 йилда мазкур маҳаллаларда жами 5 триллион 215 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилди, натижада 262 минг 293 нафар аҳоли бандлиги таъминланди. Шундан 97 минг 328 нафари доимий ишга жойлаштирилган бўлса, 164 минг 965 нафари тадбиркорликка жалб қилинди.

Банк томонидан хисобот даврида хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Аёл тадбиркор” кредит мақсулоти жорий қилинди ва бу орқали 1 530 нафар тадбиркор аёлга 192,4 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Эътиборлиси, мазкур маблағлар хисобидан 2 300 та янги иш ўрни яратилди.

Умуман олганда, банк томонидан 2025 йилда 10 триллион 380 миллиард сўм кредит ажратилди. Шунингдек, 6 919 нафар фуқарога 1 триллион 892 миллиард сўмлик ипотека кредитлари ажратилди. Жумладан, 3 039 нафар фуқарога 909,5 миллиард сўмлик ипотека кредитлари субсидия асосида тақдим этилди.

Қайд этиш жоизки, ипотека кредитлари ўтган йилга нисбатан 202 фоизга ёки 953,1 миллиард сўмга кўп ажратилди.

Тадбирда банкнинг яқин истиқболдаги устувор вазифаларига ҳам қисқача тўхталиб ўтилди. Бизнесни ривожлантириш банки мамлакатимизда банк-молия тизимининг етакчи иштирокчиларидан бири сифатида ўз саъй-ҳаракатларини 2026 йилда ҳам изчил ва жадал суръатларда давом эттиради. Олдинга қўйилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ташаббусларни янада кенгайтирилади.

Reklama huquqi asosida Bank aхборот хизмати

**ADOLAT** Муассис: “Адолат” СДП Сийсий Кенгаши

**Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ**

**Тахрир хайъати:**  
 Робохон МАХМУДОВА  
 Баҳром АБДУХАЛИМОВ  
 Наримон УМАРОВ  
 Муҳаммад АЛИ  
 Гавхар АЛИМОВА  
 Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

**Қодир ЖўРАЕВ**  
**Озода ПАРШИБОВЕВА**  
**Тошпўлат МАТИБАЕВ**  
**Талъат МУРОДОВ**  
**Абдуқамол РАҲМОНОВ**  
**Собир ТУРСУНОВ**

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 076-07-75  
 Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

**Газета 1995 йил 22 февралдан чика бошлаган**

ISSN 2013-5217

Навбатчи муҳаррир – Абдуқамол Йўлдошев  
 Масъул котиб – Абдуғани Содиков

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 301

Адади – 3 006  
 Босишга топириш вақти – 21.00  
 Босишга топирилди – 21.10  
 Баҳоси келишилган нархда

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
 Реклама материаллари учун тахририят жаавобгар эмас.  
 Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жаавобгар.

“Шарк” НМАК босмохонасида чоп этилди.  
 Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.